


3-25-2020

THE IMPORTANCE AND ROLE OF ENGLISH IN DEVELOPMENT OF THE WORLD ECONOMY

Umida Yuldashova Senior teacher
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Yuldashova, Umida Senior teacher (2020) "THE IMPORTANCE AND ROLE OF ENGLISH IN DEVELOPMENT OF THE WORLD ECONOMY," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 9.

DOI: 10. 36078/987654421

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Умида Йўлдошова

Тошкент молия институти “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ТУТГАН ЎРНИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тилини мулоқот воситаси сифатида дунё иқтисодиётида эгалланган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар, бозор иқтисодиёти шароитида хорижий тилга бўлган талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, соҳа мутахассисларининг тил билишдаги камчилик ва муаммолари ҳамда дунё давлатлари миқёсида тил ўзлаштириш кўрсаткичларидан намуналар келтирилган.

Таълим соҳасида хорижий тил кўникмаларини самарали усуллар ва амалиёт асосида ривожлантириш муҳим масала эканлиги ҳақида сўз юритилади. Инглиз тилини ўқитиш жараёни ва уни ташкил этиш борасида бугунги кунга қадар жаҳон миқёсида қатор изланишлар олиб борилган ва айни вақтда ҳам бундай изланишлар давом этмоқда. Тилни ўқитиш – мураккаб жараён, шу билан бирга доимий янгиланиш ва изланишларни талаб этади. Бўлажак мутахассисларни фақатгина соҳа бўйича билим эгаллашлари ва шунчаки дастурга таяниб қолишлари нотўғри фикрдир. Ҳар бир соҳа ривожланишига эътибор қаратсак, у ўзида бир қатор фанларни жамлаган. Иқтисод йўналишини мисол сифатида келтириш мумкин. Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йилдан йилга ўсиб бориши, демократик тараккиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро ҳамкорлик олиб бориш ва хорижий ҳамкорлар билан мулоқот жараёнида тилга бўлган эҳтиёж

Umida Yuldashova

Tashkent Institute of Finance, senior teacher of “Uzbek and foreign languages” department

THE IMPORTANCE AND ROLE OF ENGLISH IN DEVELOPMENT OF THE WORLD ECONOMY

ANNOTATION

The article gives an idea of the role and significance of the English language as a means of communication in the world economy. Demand for a foreign language in a market economy and its perceived needs, economic examples of outstanding and frequent shortcomings of specialists in the field of language proficiency and at the same time, many of the problems and indicators of language proficiency in the countries of the world are given.

It is noted that the development of foreign language skills in education based on effective methods and practices. To date, a number of studies have been conducted around the world on the process of teaching English and at the same time, such studies are continuing. Training is a complex process, constantly commenting on the updates and research. For future professionals to acquire knowledge only in their field and simply rely on the program a wrong idea. If you pay attention to the development of each area, it has concentrated a number of disciplines. This can be cited as an example of the direction of economic development. It is important to educate well-developed generation, which is the most important value and decisive force in achieving the set goals of increasing investment in human capital from year to year, democratic development, modernization and renewal. For example, the need for language is manifested in the process of interaction and communication with foreign partners. After all, Economics, in a broad sense, is the production, distribution, exchange, and consumption of products. For consumer and producer, common language skills are considered not only a condi-

якқол кўзга ташланади. Иқтисод кенг маънода, махсулот ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмашиш, истеъмол қилишни самарали ташкил этишга қаратилган. Иштирокчилар, харидор ва ишлаб чиқарувчи орасидаги муносабатда, умумий тил қобилиятлари ўзаро мақбул натижага эришиш учун зарурат ҳисобланади. Дунё ҳамжамиятининг интеграциялашуви, фан-техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг бир неча тилларни мукамал билишларини тақозо этмоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислар учун амалий кўникмалар, оғзаки ва ёзма равишда чет тилида бизнес алоқалари қондаларини билиш, шунингдек, профессионал соҳада хорижий нутқ сўзлашувидан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш шарт-шароитлари яратилиши керак. Шу муносабат билан олимларни тил соҳасидаги назарий ва амалий ютуқлари сонини янада кўпайтириш учун, хорижий материалларни ўрганиш жараёнида, айниқса, иқтисод йўналишида мутахассисларнинг хорижий тил бўйича касбий билимлари даражасини кенгайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Бугунги кунда олий таълим тизимида чет тилини касбий ва шахсий компетенциялар асосида ўқитиш, битирувчиларнинг касбий фаолиятида самарали натижаларга эришадигани аниқ кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: мутахассис, иқтисодиёт, бозор, тил, инглиз тили, мамлакат, эҳтиёж, ривожланиш

tion for achieving a mutually acceptable result, but also a necessity to negotiate. Integration of the world community, the development of science, technology requires the young generation to master several languages perfectly. Practical skills for specialists in the field of Economics, rules of business relations in a foreign language, both oral and written is necessary to create conditions for the development of cognitive ability, as well as the ability to a foreign language in the professional sphere. In this case, in order to enrich the theoretical and practical achievements, scholars in the field of language, pay attention to get wide outlook learning language according to specialty in direction of Economics. Today, teaching of foreign languages in higher education based on professional and personal competencies, that graduates achieve effective results in their professional career.

Key words: specialist, economy, market, language, English, country, need, development

КИРИШ

Мутахассислар инглиз тилини билиш уларнинг интилувчанлиги ва қобилиятларига мос келмаса, уларнинг истиқболлари чекланган, деб ҳисоблашади. Инглиз тилини билишда талаб ва таклиф ўртасида фарқ бор. Кўп жиҳатдан, бу инглиз тилининг иш жараёнидаги аҳамияти билан боғлиқ. Айни вақтда, иқтисод соҳасида тил билиш аҳамиятли ҳисобланади ва бу жараёнда қатор муаммолар мавжуд. Бутун дунёдаги компанияларнинг тўртдан уч қисми инглиз тилини ўз бизнеслари учун муҳим, деб ҳисоблайди. Афсуски, ўтган ўн йилликлар давомида глобал ишчи кучининг ядросини ташкил этган инсонлар ҳаммаси ҳам инглиз тилини тўлиқ ўзлаштирмаган. Улар соҳаларининг етакчи мутахассислари бўлишларига қарамай, тил билишда ва хорижликлар билан мулоқот жараёнида тўсиқларга дуч келишмоқда. О.П.Довгернинг [2]. фикрича, чет тилини билиш бозор иқтисодиёти шароитида мутахассисларга қўйиладиган муҳим талаблардан бири бўлиб қолди. Иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислар учун амалий қўникмалар, оғзаки ва ёзма равишда чет тилида бизнес алоқалари қоидаларини билиш, шунингдек, профессионал соҳада хорижий нутқ сўзлашуvidан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш шарт-шароитлари яратилиши керак.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Инглиз тилини муаян дастур асосида шунчаки ўрганишдан воз кечиb, мавзуларни талаб даражасида мутахассислик соҳалари доирасидан келиб чиқиб, танлаш ва амалиёт билан чамбарчас боғлаш.

ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Тил ўрганишга социал-маданий ёндашиш, инглиз тилини билим воситаси сифатида амалиёт билан узвий боғлаш (глобал маданият, халқнинг маданияти ва ижтимоий субкультуралари тил ўрганадиган мамлакат ва унинг ҳаёт тарзи ва услубида акс этиши; мамлакат ва халқнинг маънавий мероси ва тарихий хотираси)дан иборат.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Иқтисодиёт жадал ва тез суръатларда ривожланмоқда, рақамли технологиялар, шахсий истеъмол моделларида ижтимоий капиталнинг ўсиши кўзга ташланмоқда. Айни вақтда компаниялар жаҳон бозорида рақобат қилиш учун етарли эмас. Улар маданий-этниқ муносабатларга кўра, ўз миқозларини фаол жалб қилишга ва брендни шунчаки актёр ёки ижрочи сифатида эмас, балки истеъмолчи сифатида ўзлари қандай қабул қилишларига эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Шу ўринда, бугунги кунда хорижий тилга бўлган эътибор ва эҳтиёж ҳақидаги дунё бўйлаб тўпланган маълумотларга эътибор қаратсак, Эделманнинг 2019 йил учун ўтказилган ишонч барометри [3;1].бутун дунёдаги одамларнинг 56% бизнес жараёнида “Энг тўғриси танла” шиори бўйича танлов қилсалар, “шунчаки бошқарувга ишонадиганлар”ни эса 47% инсонлар ташкил этганини аниқлади. Ушбу тезкор ва шиддатли ўзгаришлар ходимларни тарбиялашни ва

таълимда ҳам кескин бурилиш ясалишини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, шартнома асосида иш фаолиятини олиб борадиганлар, эркин ёлланиб ишлайдиган ҳодимлар, ярим иш ҳажмида ишлайдиган ишчиларнинг тобора ўсиб бораётган улуши ва уларнинг иш жараёнида юзага келаётган қийинчиликлар, мавжуд таълим моделлари бирмунча эскирганини кўрсатмоқда. Ташқи кадрлар сегментларини бошқариш ва кадрлар тизимини оптималлаштириш янги таълим ва ривожланишни талаб қилмоқда.

Кадочников [5;1].тилни иқтисод билан боғлаб, қуйидаги фикрларни келтиради: “Агар тил ва ижтимоий-иқтисодий ҳақиқат ўртасида алоқа ўрганилса, бу ҳолатда иқтисодий назарияда тилга иқтисодиётнинг бир қисми ёки, тилга-иқтисодий ҳодиса сифатида, тил ҳолатига эса бозор муносабати сифатида, тил сиёсатига иқтисодий элемент сифатида ёндашилади”. Иқтисодчилар нафақат назарий-иқтисодий билимларни эгаллаши, назарияни амалиёт билин боғлаши, хорижий тил кўникмаларини ҳам эгаллаши керак. Тилни таржима воситаси ёки грамматик таҳлил этиб ўрганиш билан чекланиш нотўғри. Тил ўзаро мулоқот қилиш жараёнида жамиятда ривожланади ва бир вақтнинг ўзида самарали ҳамкорликнинг зарурат шартларидан бири бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий назария, кенг маънода, маҳсулот ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмашиш, истеъмол қилишни самарали ташкил этишга қаратилган. Иштирокчилар учун умумий тил қобилиятлари ўзаро мақбул натижага эришиш учун ягона шарт эмас, балки зарур ҳисобланади. Умумий тил қобилияти бўлмаса, потенциал контрагент воситачиларга мурожаат қилишга эҳтиёж сезилади. Воситачилар тилдан тилгача бўлган таржимонлар, шунингдек, турли хил маданий ва тил муҳитида (логистика, маъмурий, ахборот ва ҳоказо) ориентация кўникмалари мавжудлигини назарда тутадиган хизматларнинг кенг доирасини таъминлайдиган шахслар ёки ташкилотлар каби кўринишда бўлади. Воситачиларга мурожаат қилиш қўшимча харажатлар билан ўзаро таъсир қилишни ўз ичига олади, улар одатий таржимадан бирмунча фарқланади ва мураккаб воситачилик хизматлари учун харажатларнинг катта қисмини ташкил қилиши мумкин. Иқтисод йўналишида хорижий тилнинг аҳамияти шундаки, тил билиш қобилияти, бозорга кириш ўз эгасига товарлар ва ресурсларни бозорга олиб кириш имконини беради (ҳам сотувчи, ҳам манба, ҳам харидор сифатида), ишлаб чиқариш жараёни ҳам маълум даражада тил билан боғлиқ. Бунинг сабаби шундаки, товарлар ва ишлаб чиқариш омилларининг (ишчи кучи, технология) муҳим элементи ёзма матнлар ва оғзаки нутқ (оғзаки маълумот) бўлиб, унда жараён фақат ресурслар билан тўлиқ ташкиллаштирилиши мумкин эмас. Барча рақобатбардош соҳаларда инглиз тилини билиш даражаси ҳайратланарли даражада бир хил бўлиб, юқори қисмда фармацевтика ва қуйи ўринни логистика эгаллаган. Бир қарашда бу интуитив натижа каби кўриниши мумкин. Дипломатия, тадқиқотлар ва халқаро алоқалар бевосита инглиз тилини билишни талаб қилади ва бундай ҳаракатлар учун инглиз тилини билиш мутахассисларга ғоялар, амалиётлар ва одамларнинг кенг доирасига кириш имконини беради. Бундан ташқари, инглиз тилини хусусий сектор билан тенг равишда эгаллаш давлат хизматчиларига иқтисодиётдаги

ёки шахсий ҳаётидаги ўзгаришларга жавобан тенг имкониятларидан фойдаланишга замин ҳозирлайди. Давлат ва хусусий секторда ходимлар ўртасида инглиз тилини билиш даражасида катта фарқ, жиддий муаммо келтириб чиқариши мумкин. Улар иш жараёнида етарлича муаммога дуч келишлари ва ташкилот учун қўшимча сарф-ҳаражатга ёки бошқа қийинчиликларга сабаб бўлишлари мумкин. Кўприк тил (*Lingua Franca*) инглиз тили қанчалик кенг қўлланилса, транзакцион харажатларни камайтиради, ишлаб чиқаришдаги катта тежамкорликни ҳам таъминлайди.

Глобаллашув тезлиги секинлашаётгани ҳақида далиллар мавжуд бўлса-да, халқаро савдо дунё иқтисодиётининг муҳим қисмидир. Жаҳон иқтисодий ишлаб чиқаришининг 20 фоизини эса экспорт ташкил этмоқда. Мамлакатда бизнес юриши кулайлиги сифатида, инглиз тилини билиш ва уни логистика билан боғлиқ бир қатор кўрсаткичларга хизмат қилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Савдо шериги билан бир хил тилда гапириш нафақат техник эҳтиёж, балки ишончли мустаҳкамлаш учун ҳам асосдир. Бу ишонч маълумотларда акс эттирилган: иқтисодчи Pankaj Gemawat [2;18,37].мамлакатлар бир-бири билан тил орқали мулоқот қилиб, 42%га кўпроқ савдо қилишини тахмин қилмоқда. Технология ва мунтазам таржимадан кўп фойдаланиш, одамларни кундалик мулоқотда фойдаланадиган маданий жараёнлардан узоқлаштиради.

Инглиз тили турли тилда мулоқот қилувчи ҳамкорлар ўртасида бизнес мулоқот қилишнинг энг тезкор ва энг арзон усули сифатида эътироф этилади, лекин ҳозирги глобаллашув жараёнида бошқа тилларга талаб даражаси анча ортди. Миллий тилларни тарғиб қилиш агентликлари маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб камида 150 миллион киши чет тиллари сифатида француз, испан ёки хитой тилларини ўрганмоқда. Бу ҳамкорларнинг тилларини ўрганиш орқали эришиш мумкин бўлган катта ишончли шартномага асосли таъминлайди деб айтиш мумкин.

Кейинги ўринларда инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиши ва иқтисоддаги аҳамияти ҳақида берилган маълумотларга эътибор қаратсак;

Скандинавияда, европанинг инглиз тилини билиш даражаси энг юқори даражада бўлган мамлакатлар гуруҳланган, лекин минтақада тил билиш юқори даражада бўлган мамлакатлар сони 2017 йилдан буён ҳар йили ортиб бормоқда. Ушбу мамлакатлардаги мактаб тизимлари бир қатор асосий стратегиялардан фойдаланади, жумладан, коммуникатив кўникмаларга эътибор бериш, дарс ва дарсдан ташқарида ҳам инглиз тилини ўрганиш, шунингдек, касбга йўналтиришни камраб олади. Маълумотлар йиғиш ва ахборот алмашиш Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида энг яхши тажрибаларни тарқатишга ёрдам берди ва келажакда ҳам бунга кўмаклашади. Европада давлат ёки хусусий ташкилот томонидан молиялаштирилмаган тил ўргатиш таълими дастурлари кенг тарқалган, аммо бу инглиз тили курслари кўпинча жуда қисқа ва самарасиз, давлатлар инглиз тилини билиш даражасини ошириши учун дастурларнинг савиясига ҳам аҳамият бериши ва бундан ташқари, айниқса, катта ёшдаги иш фаолияти юри-таётганлар орасида, сертификатланган ва аттестация тизимларига мувофиқ нор-

маллаштирилган, сифатни таъминловчи дастурларга эътибор сезмоқда.

EF EPI [4]. нашрларида берилган маълумотларга кўра, евро худудининг йирик иқтисоди ривожланган давлатлардан фақат Германия инглиз тилида яхши гапиради. Франция, Испания ва Италия деярли барча бошқа аъзо давлатлардан ортда қолмоқда. Давлат томонидан берилган сўнгги ҳисоботга кўра, 15 ёшли француз болаларининг тўртдан бир қисми фақат, бир неча жумлаларни инглиз тилида боғлашга қодир. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи маълумотлари шуни кўрсатадики, Испанияда инглиз тилини билиш даражаси 2014 йилдан буён пасайиб бормоқда. Испаниянинг CIS жамоатчилиқ тадқиқот институтининг сўнгги сўровига кўра, катталарнинг 60 %и инглиз тилида гапира олмасликлари аниқланган. Давлат бошланғич ва ўрта мактабларни икки тилли мактабларга айлантириш бўйича кенг қўламли лойиҳа ташкиллаштирган бўлиб, ўқув дастурининг 30 % инглиз тилида олиб борилади, лекин ёшлар инглиз тилини билиш даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган. Италия ва Испанияда инглиз тилини ўрганиш даражасини ўстиришни, ушбу икки мамлакатда ёшлар ишсизликнинг юқори даражасидан азият чекаётгани ва европанинг қолган қисми билан тезроқ мулоқотга олиб келадиган янги иқтисодий имкониятларга эҳтиёж сезаётгани билан боғлаш мумкин.

Европа қитъасининг атрофида жойлашган мамлакатларда ҳам инглиз тилини ўрганиш даражаси анчагина паст даражада, Туркиядаги инглиз тилини билиш даражаси кўрсаткичи сўнгги беш йил ичида пасайган, чунки мамлакат Европа Иттифоқига аъзо бўлиш режасидан воз кечди ва бошқа устуворликлар пайдо бўлди. Мактабларда инглиз тилини ўрганиш амалий мулоқот қобилиятларини ўстиришга эмас, балки грамматикага ва таржимага қаратилган бўлиб, ўқув жараёни турк тилида ўқитилади. Сиёсий сабабларга кўра бутун мамлакат бўйлаб инглиз тилида ўқитиладиган юзлаб элита умумтаълим мактаблари ёпилди. Кўрфаз мамлакатларида бўлгани каби, турк битирувчилари ҳам университетга киришдан олдин бир йил интенсив инглиз тайёргарлик курсларига эҳтиёж сезадилар, чунки уларнинг инглиз тили даражаси улар олишни режалаштирган билим даража учун жуда паст ҳисобланади.

Россияда ҳам инглиз тилини билиш даражаси юқори даражада эмас, сўнгги беш йил ичида тил ўрганиш даражасида сезиларли ўзгариш кузатилмаган. 2014 йилда ўтказилган сўровда, рус ёшларининг 70% умуман хорижий тилларни билмаслиги ва фақат 11%игина инглиз тилида мулоқот қила олиши аниқланган. Инглиз тилини ўқитиш учун, ҳам хусусий, ҳам давлат секторидида таълимга катта сармоя киритилганига қарамасдан, Осиёда инглиз тилини билиш даражаси сўнгги беш йил давомида барқарор бўлиб қолмоқда. Бироқ бу ўртача қиймат жуда кўп турли хилликни яширади: Осиё Сингапурдан (66,82 баҳоси билан) Ўзбекистон (43.18) баҳоси билан 95 ўринни банд этган, Қирғизистонгача (41,51 баҳоси билан) инглиз тилини билиш даражаларининг энг кенг доирасини ўзида жамлаган минтақадир.

1- жадвал [4;24].Осиёдаги давлатларнинг инглиз тилини билиш даражаси бўйича дунё ҳамжамиятида эгаллаган ўрни


05	Сингапур	66.82
20	Филиппин	60.14
26	Малайзия	58.55
33	Гонг Конг	55.63
34	Ҳиндистон	55.49
37	Жанубий Корея	55.04
38	Тайван	54.18
40	Хитой	53.44
41	Макао	53.34
52	Ветнам	51.57
53	Япония	51.51
54	Покистон	51.41
61	Индонезия	50.06
66	Непал	49.00
71	Бангладеш	48.11
72	Малдив	48.02
74	Тайланд	47.61
78	Шри Ланка	47.10
86	Мянма	46.00
88	Монголия	45.56
89	Афғонистон	45.36
93	Қозоғистон	43.83
94	Камбоджа	43.78
95	Ўзбекистон	43.18
99	Қирғизистон	41.51

2019 йилга келиб, минтақадаги ўртача аҳоли сони ҳисобга олинса, Хитой профицитининг ўсиши бошқа кўплаб мамлакатларда пасайишни мувозанатлаштирди. Баъзи йирик Осиё мамлакатлари аҳолиси орасида катта ёшли авлод ортиб бормоқда. Японияда, масалан, аҳолининг 28 % изини ўртача 65 ёшлилар ташкил этади. Осиё иқтисодиёти сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида глобал алоқалар ўрнатган ва ишончли кўп миллатли компанияларни яратган раҳбарлар бошқарувида ажойиб иқтисодий ўсишга эришди. Осиё мамлакатлари хизмат кўрсатиш ва илм-фан соҳаларини кенгайтиришга интилиб, минтақанинг ўсиб

бораётган ўрта синфлари имкониятларини ҳисобга олиб, аҳолининг кенг сегментига юқори сифатли инглиз тилини ўргатиш керак бўлади. Бу эса мактабларда ва олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишни яхшилашни англатади.

Марказий Осиёда инглиз тилини билиш даражаси минтақанинг қолган қисмига қараганда анча паст, қисман рус тили мактабларда энг кенг тарқалган иккинчи тилдир. Бироқ минтақа халқаро савдога кенг миқёсида эътибор қаратиши тил ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада ортганини кўрсатади. 2018 йилда Хитой-Қозоғистон орасида қатор лойиҳалар бўйича битимлар имзоланганини ва 1200 қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани Марказий Осиё жаҳон савдосига киришни давом эттираётганлигини ва инглиз тилида сўзлашувчиларга кўпроқ эҳтиёж ортганига мисол бўлади.

2 жадвал. Инглиз тили Осиё қитъасида билиш даражаси 2018 йил ҳолатига кўра [4;27]



Ушбу маълумотлар, ҳозирги инглиз тилини билиш даражаси, муайян тармоқлар ёки иш функциялари учун инглиз тилини билиш даражаси сифатида талқин қилинмаслиги керак. Аксинча, у глобал ишчи кучида мавжуд бўлган ўртача инглиз тили кўникмаларини аниқлашга ёрдам беради. Кўпгина иш фа-

олияти олиб бораётган мутахассислар инглиз тилини ўзларининг ҳозирги ба-жараётган иш фаолиятларида тўлиқ самарали янгиликлар асосида ривожлантиришлари учун етарли билимга эга эмаслар. Бу учун ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш учун масъул шахслар, ҳар бир функцияга ва ташкилотдаги ҳар бир ходим учун инглиз тилини билиш даражасига бўлган талаблар ҳақида стратегик фикрга эга бўлиши керак. Дунё иқтисодиёти учун инглиз тилини билиш даражаси юқори даражада ялпи ички маҳсулот, юқори соф даромад ва юқори ишлаш билан боғлиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тили бу иқтисодиётда муваффақиятнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Ривожланаётган мамлакатларда билимга асосланган иқтисодиётга ўсиш халқаро миқёсда хизмат кўрсатишга қодир бўлган инфратузилма ва малакали кадрлар яратишни талаб қилади. Қувонарлиси шундаки, сўнгги 30 йил ичида ривожланаётган бозор иқтисодиётига эга бўлган кўплаб мамлакатлар бу бўшлиқни қисқартирдилар. Мамлакатлар халқаро савдо имкониятларидан фойдаланишни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни истасалар, болалар ва ёшлар учун таълимга кўпроқ эътибор беришлари керак.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Altman, S.A., Ghemawat, P., & Bastian, P. (2018). DHL Global Connectedness Index 2018: The State of Globalization in a Fragile World. Deutsche Post DHL Group. Retrieved from <<https://www.logistics.dhl/content/dam/dhl/global/core/documents/pdf/glocore-gci-2018-full-study.pdf>>
2. Dovger O.P. Proyecktirovaniye professionalno-lichnostnoy texnologii obucheniya inostrannomu yazyku sredstvami kommunikativnoy situatsii: Na primere podgotovki spetsialistov ekonomiki i upravleniya zdravooxraneniyem: dissertatsiya kand. ped.nauk: 13.00.08. - Voronej, 2004. - 193 s.
3. Edelman Trust barometer 2019 <<https://www.edelman.com>>
4. EF EPI English Proficiency Index A Ranking of 100 Countries and Regions by English Skills
5. Kadochnikov D.V. Teoretiko- ekonomicheskoy vzglyad na yazykovuyu politiku [elektron resurs]. <<http://institutiones.com/theories/2748-teoretiko-ekonomicheskii-vzglyadna-yazykovuyu-politiku.html>> 2018